

Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хизмати кўрсатии бўйича

ШАРТНОМА № _____

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги» қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги 615 сонли «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги карорига асосан ташкил қилинган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2010 йил 26 август № 394 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган ҳамда № 1091-сонли давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Барча хўжалик юрутувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказишга рухсат берувчи» _____ йил _____ сонли лицензиясига асосан фаолият кўрсатаётган _____ аудиторлик ташкилоти номидан унинг раҳбари _____ (Кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади) биринчи томондан, _____ номидан _____ (Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) иккинчи томондан ўз Низомлари асосида ушбу шартномани туздилар.

I. Шартнома маъзуси.

«Буюртмачи» нинг корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан тасдиқланадиган саволнома асосида ўтказиш.

II. «Бажарувчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

«Бажарувчи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- «Буюртмачи» нинг 20 _____ йил _____ дан, 20 _____ йил _____ гача бўлган даврда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш.

Баҳолашни йиллик маълумотлар асосида ўтказиш.

Корпоратив бошқарув фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш:

Баҳолашни ўтказиш жараёнида лозим бўлган мутахассисларни жалб қилиш, ёрдамчи аудитор ёки эксперталар ишидан фойдаланиш:

Баҳолаш натижалари бўйича ҳисоботини ва хulosаларини тузиш ҳамда бажарилган ишлар юзасидан топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали «Буюртмачи»га бериш.

«Бажарувчи» баҳолашни ўтказишида Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги» қонуни ва ўз Низомига амал қилмаса Ўзбекистон Республикаси қонунлари олдида жавобгар ҳисобланади.

III. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Аудиторлик хизмати кўрсатиш учун «Бажарувчи» га барча шароитларни яратиш, аудит текширувига боғлиқ бўлган ҳужжатларни тўлиқ тақдим қилиш, уларни дахлсиз сакланишини таъминлаш.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботни тузиш тартиби түғрисида ҳамда аникланган камчиликлар ва қоидабузарликларни амалдаги қонунлар доирасида тўғрилаш ҳақида аудиторлик маслаҳати ва тавсияларини олиш. Шартноманинг IV- банди иккинчи хатбошисида кўзда тутилгн шартни тўлиқ бажаргандан кейингина аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хulosасини олиш.

Буюртмачи томонидан шартнома асоссиз бекор қилинган тақдирда «Бажарувчи» га шартнома суммасини тўлиқ ўтказиб бериш.

IV. Томонлар ўртасида ҳисоб-китоб тартиби.

«Бажарувчи» томонидан шартномада кўрсатилган хизматлар бажарганлиги учун «Буюртмачи» келишилган ҳолда _____ сўм пул маблағини «Бажарувчи» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

(Шартнома суммаси иш ҳажмини ва инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилиши мумкин).

«Буюртмачи» шартномада кўрсатилган пул маблағини _____ % олдиндан ўтказиб бериш шартини олади.

Шартноманинг тўртинчи банди иккинчи хат бошиси бажарилмаган ҳоллар аудиторлик текшируванини тўхтатишига асос бўлмайди ва «Буюортмачи» аудиторлик текшируви якунлангандан сўнг, 5 (беш) банк иш кунидан кечиккан ҳар бир кун учун шартнома суммасининг 0,3 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммаси миқдоридан ошмаган қийматда пеня тўлади.

Текширув якуни, бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган кун ҳисобланади.

V. Мунозараларни ҳал қилиши тартиби.

Томонлар ўртасида келишмовчиликлар ўзаро музокаралар орқали ҳал қилинади.

Томонлар ўртасида келишмовчиликлар ўзаро музокаралар орқали ҳал килинмаган тақдирда амалдаги қонунлар асосида суд орқали ҳал қилинади.

VI. Шартноманинг алоҳида шартлари.

Ушбу шартноманинг шартлари томонлар учун мажбурийдир, шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш томонларни ёзма розилиги билан шартномага қўшимчалар расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

Шартнома факат томонларнинг келишувига асосан бекор қилинади.

VII. Шартноманинг кучга кириши ва амал қилиши муддати.

Шартнома имзоланган кундан кучга киради ва тўлиқ иш бажарилгунга қадар амал қиласди.

Шартнома бир хил кучга эга икки нусхада (биринчи нусха «Бажарувчи», иккинчи нусха «Буюортмачи» учун) тузилади.

Шартнома асл муҳр ва имзо билан ҳақиқий ҳисобланади.

VIII. Томонларнинг манзилгоҳлари.

«БАЖАРУВЧИ»

«БУЮОРТМАЧИ»

М.Ў

(ИФО. Имзо)

М.Ў

(ИФО. Имзо)